

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MANKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 18 » сентябрь 20 19 у.

№ 783

Toshkent sh.

**2022 йилда Самарқанд шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг
навбатдаги Саммитини ўтказишга тайёргарлик ишларини
молиявий қўллаб-қувватлаш тўғрисида**

2022 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги Саммитини Самарқанд шаҳрида ўтказилиши ва ушбу тадбирда 20 дан ортиқ давлат раҳбарларининг иштирок этиши муносабати билан Самарқанд шаҳрида улкан меъморий, бунёдкорлик ва обондонлаштириш ишларини жадаллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларнинг зудлик билан амалга оширилиши талаб этилади.

Самарқанд шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Саммитини юқори даражада ўтказишга тайёргарлик ишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармаси ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3608-сон қарори билан Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармаси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан қайта молиялаштириладиган, Самарқанд вилояти ҳокимлигига 5 йил муддатга, 2 йил имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, фоиз ставкаси йилига 2,00 фоизни ташкил қиладиган ва қайта молиялаштирадиган банкнинг маржасисиз, 25 млн АҚШ долларига тенг эквивалентдаги кредитни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий курси бўйича миллий валютада Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасига Самарқанд вилояти ҳокимлигининг навбатдаги бадали сифатида ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан қайта молиялаштириладиган Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитини қоплаш прогноз жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитдан Самарқанд шаҳрининг ички йўллари (кўчалар) ҳолатини яхшилаш ҳамда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги Саммити доирасида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тузиладиган манзилли рўйхатларга мувофиқ фойдаланилади;

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитдан мақсадли ва самарали фойдаланиш, шунингдек, жамғармани ўз вақтида шакллантириш учун масъул бўлган ижро этувчи орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг жалб қилинадиган кредитини қоплаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимовнинг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган кредитни мақсадли сарфланиши ва ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан биргаликда мазкур жамғармадан ажратиладиган кредитдан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, шунингдек, унинг ўз вақтида қайтарилиши юзасидан мониторинг ўрнатсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж. Раматов ва Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “18” сентябрдаги 783 -сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банки томонидан қайта молиялаштириладиган
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитини қоплаш
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ**

Кредит суммаси 25 млн АҚШ доллари
Кредит муддати 5 йил, шу жумладан имтиёзли давр – 2 йил
Фоиз ставкаси йиллик 2,00 % (банк маржаси – 0,00 %)

минг АҚШ доллари

Қоплаш даврлари	Ўзлаштириш миқдори	Тўлов суммаси		Жами тўлов миқдори*
		асосий қарз	фоизлар*	
2019 йил II ярим йиллиги	25 000,0		-	-
2020 йил I ярим йиллиги			250,68	250,68
2020 йил II ярим йиллиги			249,32	249,32
2021 йил I ярим йиллиги			250,68	250,68
2021 йил II ярим йиллиги		3 571,43	250,68	3 822,11
2022 йил I ярим йиллиги		3 571,43	214,87	3 786,30
2022 йил II ярим йиллиги		3 571,43	178,08	3 749,51
2023 йил I ярим йиллиги		3 571,43	143,25	3 714,68
2023 йил II ярим йиллиги		3 571,43	106,85	3 678,28
2024 йил I ярим йиллиги		3 571,43	71,62	3 643,05
2024 йил II ярим йиллиги		3 571,42	35,62	3 607,04
Жами	25 000,0	25 000,0	1 751,66	26 751,66

*) Кредитнинг ҳақиқатда олинган миқдори ва санасидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилади.

